



## ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Рашидов Мэлс Каримович**

*PhD, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети  
"Иқтисодиёт ва менежмент" кафедраси доценти. Ўзбекистон.  
[mels\\_rashid\\_k@mail.ru](mailto:mels_rashid_k@mail.ru)*

DOI: [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss4/a9](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss4/a9)

### Аннотация

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, уларнинг ривожланиши учун рағбатлантириш асоси бўлиб хизмат қилади. Жаҳон тажрибаси асосида мамлакат ва минтақалар ривожини учун эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолияти кўрсаткичларини аниқлаш, унинг таҳлиliga эътибор қаратиш ва шунинг асосида инвесторларни жалб қилишнинг энг мақбул усулларини танлаш муҳимдир. Мақолада бу жараёнга оид кўрсаткичлар таҳлили, тажрибалар ва уларни амалга ошириш муҳимлиги айтиб ўтилган.

**Калит сўзлар (Keywords):** минтақа, эркин иқтисодий зона, самара, самарадорлик, бевосита самара, билвосита самара, рақобат самараси, инфратузилма, самарадорликка таъсир этувчи омиллар.

### Аннотация

Разработка критериев оценки деятельности свободных экономических зон является основой стимулирования их развития. Важно определить показатели эффективного функционирования свободных экономических зон для развития стран и регионов на основе мирового опыта, уделить внимание его анализу и на основе этого выбрать наиболее целесообразные пути привлечения инвесторов. В статье рассматривается анализ показателей, связанных с этим процессом, эксперименты и важность их проведения.

**Ключевые слова:** регион, свободная экономическая зона, эффективность, эффективность, прямая эффективность, косвенная эффективность, конкурентная эффективность, инфраструктура, факторы, влияющие на эффективность.

### Abstract

The development of criteria for evaluating the activities of free economic zones is the basis for stimulating their development. It is important to determine the indicators of effective functioning of free economic zones for the development of countries and regions on the basis of world experience, to pay attention to its analysis and, based on this, to select the most appropriate ways to attract investors. The article discusses the analysis of indicators related to this process, experiments and the importance of their implementation.

**Keywords:** region, free economic zone, efficiency, effectiveness, direct efficiency, indirect efficiency, competitive efficiency, infrastructure, factors affecting efficiency.

## **Кириш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ва 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари мамлакатнинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболини стратегик режалаштириш тизимига сифат жиҳатдан янгича ёндашувларни бошлаб берди. Минтақа иқтисодиётини ривожлантириш учун асосий объектлардан бири бу-эркин иқтисодий зоналар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам таҳлилларимизни дастлаб, эркин иқтисодий зона терминини бойитишдан бошладик. Биз ушбу жараёнларни ўрганишимиз натижасида қуйидагича таърифга келдик.

Эркин иқтисодий зона-бу маҳаллий табиий, меҳнат, молиявий ресурсларни замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ўзаро уйғунлаштириш ва юқори қўшимча қийматга эга жаҳон бозорида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий корхоналар жойлашган махсус ҳудуддир,-деб юритиш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий терминларнинг бойиб бориши шу соҳадаги илмийликнинг ўсишидан далолат беради,бизнингча.

Ўзбекистон минтақаларида бугунги кунда юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларни рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган замонавий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга янада фаол жалб қилиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида “Навой”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналари, “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлиқ-фарм” ва “Паркент-фарм” фармацевтика саноат зоналари, республикамизнинг кўпгини туманларида “кичик саноат зоналари”, Тошкент шаҳрида “инновацион технопарк”лар ташкил этилган ва фаолият юритмоқда.

Эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини тўлиқ ҳолда қиймат кўрсаткичлари билан ўлчаб бўлмайди. Чунки ижобий ўзгаришлар нафақат ўша минтақада, балки қўшни минтақаларда ҳам содир бўлади. Эркин иқтисодий зоналар нафақат ўз майдонига, балки зона атрофидаги минтақаларга капитал маблағлар ва хорижий валюталар оқимини ошириш йўли билан ижтимоий-иқтисодий самара келтиради. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш мамлакат учун яхши самара ҳам беради, яъни миллий иқтисодиётга юқори малакали меҳнат ресурслари келади, замонавий технологиялар, ноу-хаулар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш тажрибаси олиб келинади ҳамда маҳаллий кадрларга ўргатилади. Эркин иқтисодий зоналар маркетинг самарасини беради, яъни зонада яхши ишни ташкил эта олган корхоналар(фирмалар) мамлакатнинг қолган корхоналари учун ишни ташкил этишда ўрнаткич бўлади. Эркин иқтисодий зоналарда ҳукумат томонидан қўйиладиган тўсиқларни камайитириш йўли ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигига ижобий таъсир қилади. Бу эса мамлакатда иқтисодиётни либераллаштириш жараёнини тезлаштиришга ёрдам беради.

Эркин иқтисодий зоналарлар устунлигининг яна бир жиҳати илғор технологияларнинг берилиши (тарқалиш)дир. У бевосита, билвосита ва рақобат самараларини беради.

- бевосита самара - бу эркин иқтисодий зоналардаги корхоналарнинг янги технология туфайли замонавий, рақобатбардош, сифатли, арзон товарлар ишлаб чиқаришларидир;

- билвосита самара – бу эркин иқтисодий зоналардаги янги технология билан ишлаётган корхона, уни тайёр маҳсулотини ишлатадиган, унга хом ашё, ярим тайёр маҳсулот етказиб берадиган корхоналарга ижобий таъсир қилишидир;

- рақобат самараси – бу янги технологияга ўтган корхоналар зона ичида ва зонадан ташқари фирмалар ўртасида рақобатни кучайтириб юборади, бунинг натижасида фирмаларни илғор технологияларни қўллашга, янги технологиялар яратиш учун илмий тадқиқотлар қилишга мажбур қилади.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Мавзу доирасида баъзи бир хорижий олимлар илмий ишланмаларини ўргандик. Масалан, эркин иқтисодий зоналарнинг географик жойлашуви ва уларда логистик хизматларни ташкил этиш бўйича R.J.McCalla [1], эркин иқтисодий зоналар назарияси ва амалиёти тўғрисида M.Guangwen [2], эркин иқтисодий зоналар фаолияти, унинг иқтисодиётдаги ўрни ҳақида Я.С.Друзик [3], халқаро иқтисодиётда эркин иқтисодий зоналар фаолияти бўйича Н.В.Черненко[4]ларнинг илмий ишларини келтириб ўтиш мумкин.

Мамлакатимиз олимларидан А.В.Вахобов, С.С.Мирзалиева, М.А.Раимжонова ва А.А.Остонокуловларнинг илмий-тадқиқот ва илмий-ўқув ишларида эркин иқтисодий зоналар самарадорлик кўрсаткичларининг минтақалар иқтисодиётига таъсири ва уларнинг фаолиятига оид ўз илмий қарашларини баён қилишган.

А.В.Вахобов[5] ўз илмий изланишлари давомида эркин иқтисодий зоналарнинг географик жойлашуви, ушбу ҳудудда давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви камайтирилиши ва мамлакатнинг бошқа ҳудудларида қўлланилмайдиган маълум имтиёзлар тизими жорий ушбу ҳудудда қўлланилиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратганлар.

С.С.Мирзалиева[6] эса эркин иқтисодий зоналарни мамлакат (ёки мамлакатлар) ҳудудининг муайян ижтимоий, иқтисодий технологик вазифаларни ҳал этиш мақсадида барпо этиладиган, махсус маъмурий бошқарувга ва хўжалик юритувчи субъектларнинг имтиёзли режимига эга бўлган ҳудуд бўлиши кераклигини эътироф этишади. Имтиёзлар пакети самарали ишлаш тизимини рағбатлантириб боришига алоҳида урғу берилган.

М.А.Раимжонова[7] мамлакат ҳудудида махсус иқтисодий режим ва маъмурий бошқарувга эга бўлган, давлат аралашуви камайтирилган ва айни вақтда унинг назоратидан буткул озод этилмаган, балки хўжалик юритувчи субъектлар фаолият юритиши учун мамлакатнинг бошқа ҳудудларида амал қилмайдиган имтиёз ва рағбатлантиришлар берилмайдиган ҳудуд сифатида -эркин иқтисодий зоналар фаолият юритади. Уларнинг самарадорлигини минтақадаги иқтисодий ривожланиш омиллари баҳолаб беришини таъкидлаганлар.

Иқтисодиёт тармоқларини жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларга инвестицияларни жалб этиш мақсадида алоҳида имтиёзлар белгиланган, шунингдек, улардан иқтисодиётни модернизация ва диверсификациялашнинг ҳудудий услуби сифатида фойдаланиш ҳамда замонавий технологияларни иқтисодий тузилмага жорий қилиш учун ташкил этилган ҳудуд сифатида эркин иқтисодий зоналарни баҳолаб бориш кераклигини А.А.Остонокулов[8] ўз илмий изланишларида айтиб ўтадилар.

Бундан ташқари, мамлакатимиз иқтисодчи олимларини ушбу мавзунини ўрганишлари юзасидан изоҳ берадиган бўлсак, Ҳ.Р.Ҳамроев[9] зоналар сиёсат юритиш омиллари нуқтаи назаридан, А.Р.Холиқулов[10] эркин иқтисодий зоналарни назарий

жиҳатларини, А.Б.Низомов[11] минтақаларни бошқариш тизимини такомиллаштиришни, С.Мирзалиева[6] эркин иқтисодий зоналарнинг инвестицион жозибаторлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва тавсияларни ўрганишимиз мумкин. Аммо, жаҳон илғор тажрибасини ўрганган ҳолда маҳаллий имкониятларга таяниб, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилган эркин иқтисодий зоналар фаоллигини ошириш, бошқариш ва самарадорлик мезонларини ишлаб чиқиш муаммолари етарлича ўрганилмаган.

#### **Тадқиқот методологияси**

Мақолада тизимли ва қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик таҳлил ва умумлаштириш, статистик таққослаш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотимизнинг давомида ЭИЗлар фаолиятини у жойлашган минтақа иқтисодиётини ривожлантиришга таъсири нуқтаи назаридан баҳолаш методологиясига ҳам тўхталишни лозим топдик. Таҳлилларимиз давомида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш ва фаолиятини баҳолаш методологияларини йирик 3 та методологияга бўлиб ўрганиш лозим деган хулосага келдик.

Биринчи методология- бу М. Фразье, Р. Рей, Р. Болин (АҚШ) ларга тегишли методология бўлиб, унда ЭИЗларнинг ривожланиш босқичлари ва туркумларини тадқиқ этиб, асосий эътиборни ЭИЗлар ҳудудида жойлашган фирмаларнинг тадбиркорлик фаолиятини таҳлил қилишга қаратишган.

Иккинчи методология-бу В.Г. Игнатов, П.В. Павлов(Россия) ва бошқалар томонидан ўрганилган, ЭИЗлар салоҳияти самарадорлигини тадқиқ қилиш ва фақат ЭИЗ ларга тегишли баҳолаш мезонларини таклиф этишган.

Учинчи методология эса П. Цихкович, П. Пекала, А. Рзонца, М. Блахуцьяк (Польша), О.Чмир, Г.И. Румянцева (Украина) эркин иқтисодий мақомга эга бўлган зоналарнинг самарадорлигини баҳолашга бир оз бошқача ёндашувда, яъни минтақавий иқтисодий кўрсаткичларга таъсир қилиш орқали ЭИЗ фаолиятининг самарадорлигини баҳолайдилар[12]. Биз ушбу методологияларга батафсил тўхтамасдан, хулоса қилишимиз мумкинки, минтақа иқтисодиётини ривожлантириш нуқтаи назаридан ЭИЗларнинг бошқаруви самарасини баҳолаш методологияси мавжуд эмас. Уччала методологиялардан фойдаланган ҳолда минтақа иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган баҳолаш методологиясини такомиллаштиришга ҳаракат қиламиз[13].

#### **Таҳлил ва натижалар**

Эркин иқтисодий зоналар бандлик даражасини ошириш йўли билан ҳам мамлакат иқтисодиётига ижтимоий-иқтисодий самара келтиради.

Эркин иқтисодий зоналарнинг самарадорлиги, биринчи навбатда, уни барпо этиш сиёсатининг, яъни зонал сиёсатнинг пухта ишлаб чиқилганлигига ҳамда бу сиёсатни кетма-кетликда, тўғри амалга ошира билишга боғлиқдир. Эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлиги, унинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан сифатли таъминланганлигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини оширмақчи бўлсак, унинг талабларига жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий базани яратиш зарурдир.

Эркин иқтисодий зоналарнинг яшовчанлиги ва самарадорлиги унда жойлаштирилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмига ҳамда бу корхоналарнинг бир-бирига ҳамкор бўла олиш даражасига боғлиқ. Чунки буларсиз эркин иқтисодий зоналарнинг ўзига хос иқтисодий механизми ишлаб кетиш имконига эга бўлмайди.

Бир-бирига унча боғлиқ бўлмаган, кам сонли корхоналар одатда, эркин иқтисодий зоналарга етарли самара бера олмайди. Агар зонага четда жойлашган корхоналар жалб қилинса, унда хўжалик юритишнинг 2 тури - зонал ва маҳаллий турлари шаклланади. Бу эса зонани бошқаришни мураккаблаштириб юборади.

Эркин иқтисодий зоналар самарадорлигига таъсир этувчи қуйидаги омилларнинг ҳисобга олиниши лозим:

- эркин иқтисодий зоналар учун жой танлашда оқилона ёндашув (танланган майдонда инвестициявий ҳамкорликни олиб бориш учун объектив шароитларнинг мавжудлиги);

- имтиёз ва қулайликлар тизимини яратишда хорижий инвесторлар манфаатини ҳар томонлама ҳисобга олиш;

- қабул қилувчи мамлакатда қулай инвестиция муҳитини сақлаш кафолатининг мавжудлиги;

- эркин иқтисодий зоналар зарурий ва ишчи инфратузилмасининг мавжудлиги ёки уни яратиш учун молиялаштириш имконининг борлиги;

- зона маъмурий бошқарув тизимининг самаралилиги ва ўта мослашувчанлиги[12].

### 1-жадвал

#### Эркин иқтисодий зоналар фаолиятида кўп учрайдиган омиллар қиёсий таҳлили

| №  | Кўп учрайдиган омиллар                         | Таъсир натижаси                             | Ҳозирги кундаги ҳолатни қиёсий баҳолаш (3-қониқарли, 4-яхши, 5-аъло даража ҳисобланади) |        |        |
|----|--|---|---|--------|--------|
|    |  |   | Навоий  | Ангрен | Жиззах |
| 1. | Жой танлашда оқилона ёндашув                   | Маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланилиши | 4   | 5      | 4      |
| 2. | Хорижий инвесторлар манфаатини ҳимоялаш тизими | Манфаатдорлик даражаси                      | 4   | 4      | 4      |
| 3. | Қулай инвестицион муҳит                        | Инвесторлар оқими даражаси                  | 4   | 5      | 4      |
| 4. | Зарурий ва ишчи инфратузилманинг мавжудлиги    | Инфратузилманинг ҳолати                     | 4   | 4      | 3      |
| 5. | Маъмурий бошқарув тизимининг мослашувчанлиги   | Намунали бошқарув тизимини яратиш           | 3   | 3      | 3      |

Умуман олганда, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, эркин иқтисодий зоналар фаолияти ўз оқибатига қараб турлича бўлиши мумкин. Уларнинг самарадорлиги эса эркин иқтисодий зоналар учун жойни тўғри танлаш, йўналишни тўғри танлаш, сиёсий, иқтисодий, географик ва бошқа турли омилларни ҳисобга олиш, хориждан инвестиция ва технологияни жалб қила билиш, ташқи иқтисодий фаолиятни жадаллаштира олишга боғлиқ. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишнинг самарадорлиги эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишдан кўзланган аниқ бир мақсадни қўйилганлиги, имтиёзлар тизими қай даражада, қай тарзда танланганлигига ҳам боғлиқ. Қўйилган мақсадларнинг кўплиги ва ноаниқлиги асоссиз равишда имтиёзлар фаолиятнинг барча шакллари тарқалишига, охир-оқибатда зона ишида ҳеч қандай самара бермасликка олиб келади.

Эркин иқтисодий зоналарнинг шаклидан бири бўлган, АҚШ ҳукуматининг уй-жой ва шаҳар ривожланиши департаменти томонидан бошқариладиган “тадбиркорлик зоналари” дан 357 тасининг хўжалик фаолиятининг таҳлили қўйидагиларни кўрсатди: ишловчиларнинг 34% ишлов бериш саноатида, 27% чакана савдода, 19% хизмат кўрсатиш соҳаларида, қолганлари эса молия хизмати, қурилиш, транспорт, коммуникация ва улгуржи савдо билан банд экан. Энг кўп ишлов бериш саноатида иш жойлари яратилган. Зоналарнинг 33 фоизида бандлик миллий даражасидан юқори бўлган [9].

Зоналарда энг яхши самара берган чоралар қўйидагилардан иборат бўлган:

- иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш-ижтимоий фаровонликни ўзига мўлжал қилиб олган зоналарга нисбатан рағбат ва имтиёзларнинг аниқ бир тизимига эга бўлган зоналар анча муваффақиятли фаолият олиб борган;

- давлат ва маҳаллий солиқларни камайтириш, инвестиция учун кредитлар бериш;

- сотиш, мулк, айланма маблағлар солиқларини камайтириш;

- иш жойларини кредитлаш дастурлари;

- маҳаллий ҳокимиятнинг қатнашуви ва манфаатдорлиги.

Тадқиқотчилар эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият юритиши учун ўзлаштирилиши лозим бўлган ерлар ва уларда ишлаб чиқаришларни маҳсулдорлиги, унумдорлигини тиклаш, минтақа аҳолиси учун жуда кўп миқдорда иш жойларини яратиш, ижтимоий ва хусусий секторлар ўртасида кооперацияни ривожлантириш каби омилларни муҳим, деб ҳисоблашмоқда[6]:

Самарасиз эркин иқтисодий зоналар тажрибасини таҳлил қилиб, зона фаолиятини режалаштириш босқичида қатор йўл қўйилган қўйидаги хато ва камчиликларни ҳам қайд этишимиз лозим:

- зона учун муваффақиятсиз жойнинг танланганлиги, масалан, ер ва ҳаво транспорти яхши ривожланмаган жойда жойлаштирилиши;

- инфратузилманинг асосий объектларини яратишга етарли эътибор берилмаслик, масалан, алоқа воситалари ва энергия билан таъминот талаб даражасида эмаслиги;

- зона маъмуриятининг турли хил ҳукумат органлари билан ташкилий алоқаларининг етарли даражада ривожланмаганлиги, масалан, молия вазирлиги, божхона бошқармаси, солиқ қўмитаси кабилар билан алоқалар, чунки иш яхши натижа бериши учун улар билан яхши алоқа ҳамда уларнинг қўллаб-қувватлаши зарур;

- зонани бошқаришда бюрократик услублардан кенг ва кўп фойдаланса, иш самараси пасаяди.

Хатолар кам бўлиши учун лойиҳани албатта обрўли, ишончли халқаро экспертизадан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу анчагина хатоларни бошланғич босқичда минимумга келтириш ва тузатиш имконини беради. Хорижий инвесторларни рўйхатга олишда қийинчиликлар, зона устунликларини реклама ва ташвиқотнинг ёмонлиги иш самарасига кучли салбий таъсир қилади.

Тадқиқотимиз давомида дастлаб, мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналарда яратилган шарт-шароитларни қиёсий таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Бу жараён бевосита уларнинг самарадорлигига таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

**Таҳлил қилаётган эркин иқтисодий зоналарда яратилган шарт-шароитларнинг қиёсий таҳлили (2017 -2021 йилдаги ҳолат юзасидан )**

| № | Эркин иқтисодий зоналардаги шарт -шароитлар  | Навоий ЭИЗ | “Ангрен” ЭИЗ | “Жиззах” ЭИЗ | Ўртача |
|---|--|------------|--------------|--------------|--------|
| 1 | Мамлакатдаги сиёсий барқарорлик даражаси.  | 5          | 5            | 5            | 5      |
| 2 | Хорижий ва миллий инвесторларнинг фаолиятини рағбатлантирувчи ва ҳуқуқларини кафолатловчи пухта ишлаб чиқилган қонуний асосларнинг мавжудлиги, умумий қулай инвестициявий муҳит. | 3          | 4            | 3            | 3,3    |
| 3 | Қулай табиий-географик жойлашув.   | 4          | 5            | 4            | 4,3    |
| 4 | Ривожланган инфратузилма (ишлаб чиқариш, тижорат).   | 5          | 5            | 4            | 4,6    |
| 5 | Қулай иқтисодий конъюктура.  | 5          | 5            | 5            | 5      |
| 6 | Ғамхўр ва мослашувчан бошқариш тизими.   | 4          | 4            | 3            | 3,6    |

Изоҳ: (5) - ҳозирги пайтда эркин иқтисодий зоналарида ушбу шарт-шароит муваффақиятли ишлайди.

(4) - ҳозирги пайтда эркин иқтисодий зоналарида ушбу шарт-шароит муваффақияти паст ишламоқда.

(3) - ҳозирги пайтда эркин иқтисодий зоналарида ушбу шарт-шароит муваффақиятсиз ишламоқда.

Таҳлиллар натижасида “Навоий” эркин иқтисодий зонаси (НЭИЗ) фаолияти самарадорлигини қуйидаги мезон кўрсаткичларга қараб баҳолаш мумкин деган хулосага келдик:

- хорижий капиталнинг оқими, шу жумладан зонада фаолият олиб бораётган қўшма корхоналар сони;
- мамлакат товарлар импортига қилинадиган харажатнинг камайиши;
- ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида экспорт маҳсулотнинг ҳиссаси;
- фаолиятнинг янги турларига ихтисослашуви, шу жумладан зонада хизмат кўрсатишнинг ривожланиши;
- таъминотнинг яхшиланиши, хизмат кўрсатишнинг ривожланиши;
- янги яратилган иш жойлари, зонада бандлик даражасининг ўсиши.

Аммо, эркин иқтисодий зоналар фаолиятини иқтисодий натижаларининг барчасини аниқ ҳисоблаб бўлмайди, уларнинг айримлари вақт жиҳатдан кечикади ёки чўзилади. Бундай натижалар билвосита натижалар ёки самара дейилади, уларга қуйидаги мезон-кўрсаткичларни киритиш мумкин: -янги технологиялар билан танишишнинг осонлашуви; -хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг янги усулларини эгаллаш; -мамлакатнинг экспорт базасини кенгайтириш; -янги тармоқларнинг яратилиши; -минтақавий номутаносибликни бартараф этилиши; - кадрлар салоҳиятини сақлаш ва ривожлантириш (бошқа минтақалар ва хориждан мутахассисларни жалб қилиш, фирмалараро миграция ва ҳоказо).

**Хулоса ва таклифлар**

Хулоса қилиб айтганда, эркин иқтисодий зоналарни самарадорлигини ўлчаш анча мураккаб масаладир. Чунки унинг ижобий таъсири нафақат ўша зонада фаолият юритаётган корхоналар ишининг самарасига, балки бутун минтақанинг иши

самарасига, қўшни минтақаларга, ҳатто, бутун мамлакат иқтисодиётига ҳам таъсир этади. Бундан ташқари, эркин иқтисодий зоналар фаолияти дарров ижтимоий-иқтисодий самара (биринчи навбатда, ижтимоий самара) бермайди, у қандайдир вақт оралиғини талаб қилади. Агар эркин иқтисодий зоналар мавжуд минтақаларда ишловчиларнинг иш ҳақлари ўса бошласа, хориждан инвестиция кўпроқ кела бошласа, ишсизлар сони камая бошласа, бозорларда товарлар кўпая бошласа, демак эркин иқтисодий зона яхши ишламоқда. Эркин иқтисодий зоналар яратишда барча қоидаларга, талабларга риоя қилинса ҳамда тайёргарлик ва ташкилий ишлар бошидан пухта олиб борилса, унинг самарали ишлашига кафолат бор.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. McCalla R.J. The Geographical Spread of Free Zones Associated with Ports // Geoforum 21 (1) (1990): 123–128.
2. Guangwen M. The Theory and Practice of Free Economic Zones: A Case Study of Tianjin, People’s Republic of China // Doctoral Thesis, Ruprecht-Karls University of Heidelberg, Germany, 2003.
3. Друзик Я.С. Свободные экономические зоны. М.: ФУАинформ, 1999.
4. Черненко Н.В. Свободные экономические зоны в мировой экономике // Вестник БГЭУ, 1998.
5. Ваҳобов А.В. ва бошқалар. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. Тошкент: Молия., 2010. 360 б.
6. Мирзалиева С. ЭИЗ асосий йўналишлар ва тамойиллар. //-Т. 2000й.
7. Раимжонова М.А. “Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш” Автореф.дис.канд. Т.2012й. –24 б.
8. Остоноқулов А.А. “Эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштириш”. Дисс.. и.ф.н. Тошкент. 2017. -151б.
9. Ҳамроев Ҳ.Р. Зонал сиёсат: Монография.- Тошкент: Фан,- 2008.
10. Холиқулов А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослар ва жаҳон тажрибаси. Т., 2002.
11. Низомов А.Б. Экономический рост и управление региональной экономикой в условиях рынка. -Т:Турон-Иқбол - 2006й.
12. Матушевская Е. А. Формирование комплексного подхода к оценке эффективности функционирования свободной экономической зоны// Экономика региона. -2018. -Т. 14, вып. 3. - С. 870-883
13. Рашидов М.К. Ўзбекистон минтақаларида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштириш//Монография. Навоий: “Азиз китобхон” нашриёт, 2022. - 156 б
14. Интернет сайтлари:  
[www.stat.uz](http://www.stat.uz)  
[www.fez.uz](http://www.fez.uz)  
[www.lex.uz](http://www.lex.uz)  
[www.ifmr.uz](http://www.ifmr.uz)